


# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 6 сентябрь, № 176 (5850) Жума


## ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ РАИСИ СИ ЦЗИНЬПИННИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан 2013 йил 8-10 сентябрь кунлари Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф давомида Ўзбекистон — Хитой стратегик ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга оид масалаларни кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш, долзарб минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилмоқда.

Музокаралар якунида икки давлат раҳбарлари Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация, шунингдек, иқтисодий ҳамкорликка доир қатор ҳужжатларни имзолайдилар.

**Ўзбекистон — Хитой:**

## СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

*Жорий йил 8 сентябрь куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи бошланади.*

Маълумки, Ўзбекистон ва Хитой халқлари ўртасидаги алоқалар тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Юртимиз мустақилликка эришганидан кейин, яъни 1992 йилнинг 2 январида Ўзбекистон — Хитой ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан сўнг минг йиллик тарихга эга бўлган мамлакатлараро алоқалар янгича тараққиёт ва мазмун-моҳият касб этди. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси ҳамда Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги ўзаро шериклик муносабатлари ўзининг ўсувчанлиги билан ажралиб турдики, бугунги кунда ҳам сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқалар тобора равнақ топиб бормоқда.

Замонавий босқичда икки давлат ўртасида ўзаро ишончга, очиқлик ва ҳурматга асосланган фаол сиёсий мулоқот олиб борилмоқда — мамлакатларимиз ўртасида барча даражалардаги делегацияларнинг, биринчи галда, давлат раҳбарлари даражасидаги мунтазам ташриф алмашувларнинг мавжуд эканлиги буни яққол тасдиқлайди.

(Давоми 2-бетда).

**Бухоро вилояти:**

## ИСТИҚЛОЛДАН МУНАВВАР ЗАМИН

*Мустақилликнинг ҳар бир йили мамлакатимиз, жумладан, Бухоро вилояти тарихида ҳам ўзига хос из қолдирмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгараяпти. Замонавий иншоотлар барпо этилмоқда. Қадимий обидалар, зиёратгоҳлар обод манзилларга айланди. Бухоронинг 2500 йиллиги дунё миқёсида кенг нишонланди.*

*Ҳозирги кунда кўҳна ва боқий шаҳар кўчалари бўйлаб сайр қилган хорижлик сайёҳ ўтмиш ва бугуннинг уйғун қиёфасини, ҳамиша ҳаёт нафаси уфуриб турган манзилларни кўриб, халқимизнинг ақлу заковати, салоҳияти, меҳр-оқибатига тан бермоқда. Қуйида ана шу табаррук замин ва унинг меҳнаткаш одамлари ҳақида ҳикоя қиламиз.*





### Ободлик кўнгилдан бошланади

... Бевосита Юртбошимиз ташаббуси ва кўрсатмалари асосида барпо этилган "Кўҳна ва боқий Бухоро" маданий марказини халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг яққол намунаси, дейиш мумкин. 107 гектар майдонни эгаллаган ушбу сўлим масканда 700 ўринли вилоят мусиқали драма театри биноси, икки минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр ҳамда ўзига хос меъморий ечимга эга монумент қад ростлаган. Унинг марказидаги уч авлод тасвирида "Ҳаёт абадий, умр ўткинчи, бу дунёда эса эзгу амаллар қолади", деган чуқур фалсафий маъно мужассам. Обидада шу табаррук заминда туғилиб, дунёга донг таратган буюк мутафаккирлар, адабиёт ва санъат намояндаларининг номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган.

— Бу сўлим гўша аллақачон юртдошларимизнинг севимли масканига айланиб улгурди, — дейди "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси Юсуф Қурбонов. — Энг улуғ, энг азиз байрамимизни ҳам юртдошларимиз айни шу масканда тантана қилишди. Ҳар гал келганимизда қалбимиз ғурурга тўлади. Бу муҳташам мажмуа ёшларни Ватанимизга, халқимизга муносиб фарзанд бўлишга даъват этиб турибди. У бамисоли халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятига, шижоатига қўйилган ҳайкалдек.

Дарҳақиқат, бунёдкор халқмиз. Йигирма икки йил ичида Бухоро шаҳри таниб бўлмас даражада ўзгарди. Баҳоуддин Нақшбанд кўчасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, "Бухоро" халқаро аэропортининг янги терминали, вилоят Перинатал маркази, қатор ўқув муассасалари ва ташкилотларнинг замонавий бинолари, миллийлик ҳамда замонавийлик уйғунлашган меҳмонхоналар, сервис хизмати кўрсатувчи мажмуалар, қайта барпо этилган марказий деҳқон бозори, боғ ва хиёбонлар қадимий шаҳарни том маънода яшартириб юборди. Талаба-ёшларнинг "Универсиада — 2013" спорт мусобақалари ўтказилиши муносабати билан 93,5 миллиард сўмлик маблағ йўналтирилиб, катта ҳажмдаги қурилиш, реконструкция ва ободонлаштириш ишларининг бажарилганини айтмайсизми?!

Муҳими, бу каби бунёдкорлик ишлари вилоятнинг энг чекка қишлоқларини ҳам қамраб олмоқда. Биргина ўтган йилда миллий ва замонавий меъморчилик анъаналарини ўзида мужассамлаштирган 630 та намунавий уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жорий йилда эса 33 та аҳоли пунктида 730 та оилага мўлжалланган ана шундай тураржойлар барпо этиляпти.

— Бундай уйларда бажонидил яшаган бўлардим, — дейди Ғаждумак аҳоли пунктида қад ростлаган тураржойлардаги қулайликларни кўрган голландиялик архитектор Роланд Лаурей. — Шу замонавий уйларнинг ўзиёқ халқингизнинг салоҳияти юксак эканлигини намоён этиб турибди.

(Давоми 4-бетда).









## хабарлар

**Янгиликлар, воқеалар,**

■ *Навоий шаҳрида жорий йилнинг ўтган олти ойида 5 та тикувчилик ва тўқувчилик корхонаси фаолияти йўлга қўйилди.*

### Кичик корхонанинг дадил одимлари

"ЭДЕМ текстиль" масъулияти чекланган жамияти — шулардан бири. Ҳозирги кунда бу ерда хориждан келтирилган илғор дастгоҳлар ёрдамида икки турдаги матолар ишлаб чиқарилаяпти.

— Модернизация ишларини изчил давом эттираяпмиз, — дейди жамият раҳбари Малоҳат Раҳмонова. — Айни пайтда лойиҳа қиймати 500 миллион сўмга тенг бўлган матога ранг бериш цехини ишга тушириш ҳаракатидамиз.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Жалақудуқ туманидаги мавжуд 73 та маҳалла, қишлоқ ва шаҳарча фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базаси босқичма-босқич мустаҳкамланмоқда.*

### Маҳаллаларга амалий ёрдам

Хусусан, яқинда тумандаги "Бойчеки" маҳалла фуқаролар йиғини 5 хонадан иборат замонавий идора биносига кўчиб ўтди. "Олмазор", "Ўроқчитепа" маҳалла фуқаролар йиғини бинолари эса мукаммал таъмирланди. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан ажратилган 10 та компьютер жамланмаси уларнинг иш фаолияти самарадорлигини оширишда қўл келмоқда.

Умуман, ҳозиргача тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинларидан 48 тасига сўнгги русумдаги компьютер жамланмалари етказиб берилди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Сирдарё вилоятида терини қайта ишловчи "Сайхунобод зафар чарм" корхонаси иш бошлади.*

### Янги тармоқ, янги имконият

Сайхунобод туманининг Ёшлик қўрғонида бунёд этилган мазкур хусусий корхона йилига 25 минг дона қорамол терисига бирламчи ишлов бериб, 2 миллиард сўмликдан ортиқ яримтайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Умумий қиймати 820 миллион сўмлик ушбу лойиҳани амалга ошириш учун банк томонидан 650 миллион сўм кредит ажратилди.

Янги корхона маҳсулотлари мамлакатимиздаги пойабзал ва кийим ишлаб чиқариш корхоналари учун мўлжалланган.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Термиз шаҳридаги "Бойсун Бизнес сервис" хусусий корхонасида қурилишда кенг қўлланиладиган шлакоблок, йўлак плиталари ҳамда шпаклёвка маҳсулотлари тайёрланади. Яқинда бу ерда пишиқ ғишт ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.*

### Бинокорларга манзур

— Фаолиятимизни кенгайтириш эвазига аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам ўз ҳиссамизни қўшаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Илёсхон Лутфуллаев. — Иш унуми юқори, тежамкор хориж технологияси асосида ишлаб чиқарилаётган деворбоп материаллар сифатлилиги ва арзонлиги билан бунёдкорларга маъқул келмоқда. Айни пайтда маҳсулотларимиз Термиз шаҳрида қад ростлаётган кўп қаватли уйлар қурилишига етказиб берилаётир.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ ИСЛОҲОТ

*Юртимизда энг улуғ, энг азиз байрамимиз шукуҳи кезиб юрибди. Шундай фараҳбахш дамларда ортимизга бир назар ташлаб, босиб ўтган йўлимизни сарҳисоб қиламиз. Кўз ўнгимизда истиқлол йилларида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қўлга киритилган улкан ютуқларимиз намоён бўла бошлайди. Уларнинг ҳеч бирига осонликча эришилмагани, бунинг замирида Президентимизнинг ташаббуси билан амалга оширилаётган оқилона ислоҳотлар мужассам эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз.*

**Модернизация:**

## Иқтисодий юксалиш ва ривожланиш омили

Дарҳақиқат, ўтган даврда мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани ўзининг юксак самараларини бераётир. Буни иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларидан бири — қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Бугунги кунда республикамизда аграр секторни тараққий эттиришга қаратилган ислоҳотлар асосини илм-фан ютуқларидан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш тадбирлари ташкил қилмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари масаланинг шу жиҳатига тўхталар экан, модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганимизни, ҳолбуки, саноат билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга ошириш лозимлигини алоҳида таъкидлаган эдилар.

Чиндан ҳам, аксарият ҳолларда "модернизация" атамаси техник қурилмалар, машиналар, технологик жараёнларга нисбатан қўлланилиши унинг бошқа маъноларига эътиборни бир қадар сусайтирган.

(Давоми 2-бетда).

## Замонавий дизайн маркази

*Наманган шаҳрининг Давлатобод мавзесида "Истиқлол текстиль дизайн" масъулияти чекланган жамиятининг мода ва дизайн маркази ишга туширилди.*

■ ТАҚДИМОТ

Вилоят енгил саноати тизимида ўз ўрни ва мавқеига эга бу корхона томонидан тайёрланаётган эркаклар костюм-шими ва курткалари юқори сифатлилиги билан харидорлар эътиборини қозонган. Айни пайтда бу ерда йилига 1,3 миллиард сўмликдан ортиқ эллик турдаги бежирим кийимлар ишлаб чиқарилаяпти. Жамият аъзолари ўтган йиллар давомида маҳсулот сифати ва дизайнини жаҳон андозалари даражасига кўтариш йўлида астойдил меҳнат қилиб, бултур ISO — 9001 халқаро сертификатини олишга муваффақ бўлди. Фаолият бошлаган марказ айни йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш имконини беради.

— Фарғона водийсида ягона бўлган мазкур марказ Юртбошимиз таклифлари билан бунёд этилди, — дейди МЧЖ раҳбари Бахтиёр Умаров. — Давлатимиз раҳбари бундан икки йил аввал вилоятимизга ташрифи чоғида корхонамиз фаолияти билан яқиндан танишиб, асосий эътиборни нафақат ишлаб чиқариш, балки мода ва дизайнга ҳам қаратиш зарурлиги юзасидан таклиф билдирган эдилар. Тўрт қаватли замонавий бинога жойлашган марказ ана шу таклифнинг амалий рўёби бўлди.

Иншоот қурилиши ва янги технологиялар билан жиҳозланиши учун салкам 2 миллиард сўм миқдорда сармоя йўналтирилди. Бинонинг биринчи қаватидан дизайн ва модалар маркази жой олган, устки қаватларда эса йилига 10 минг дона эркаклар кийимлари ишлаб чиқариш қувватига эга лойиҳа амалиётга татбиқ этилди. Натижада меҳнат жамоаси 50 кишига кўпайиб, 110 нафарга етди.

Куни кеча мазкур марказнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тақдимот қатнашчилари бу ерда мода ва дизайн ижодкорлиги учун яратилган шарт-шароит, илғор технология ҳамда жиҳозлар билан яқиндан танишдилар. Махсус залда корхона томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар намойиши ўтказилди.

Тақдимот маросимида вилоят ҳокими Б. Юсупов иштирок этди.

**Н. ҚУДРАТОВ.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**2013 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми**

**13,2 фоизга ошди.**

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш бўйича изчил чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ана шундай юқори кўрсаткичга эришиш имконини берди.

## Ўзбекистон — Хитой:

# СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ва расмий ташрифлари билан олти маротаба Хитой Халқ Республикасида бўлди. Амалга оширилган ташрифлар икки томонлама муносабатлар тарихидаги муҳим воқеалар бўлиб қолгани баробарида, кўп қиррали Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг янада кенгайиши ҳамда чуқурлашувига кўмаклашди. Ўз навбатида, ХХР раислари Цзян Цзэминь 1996 йили, Ху Цзиньтао 2004 ва 2010 йилларда Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга буюрган расмий ташрифи алоҳида диққатга моликдир. Чунки у Ўзбекистон — Хитой муносабатларида ўтган йиллар давомида эришилган эътиборга сазовор барча муваффақиятларни нафақат мустаҳкамлади, балки ўзаро алоқаларни стратегик муносабатлар даражасига олиб чиқди. Мазкур ташриф чоғида қиймати 5,3 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 45 та савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий битим ҳамда шартномалар имзоланди. Икки давлат раҳбарлари томонидан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги йўналишлари белгилаб берилган Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларациянинг имзоланиши эса учрашувнинг энг муҳим маҳсули бўлди.

Олий даражадаги мунтазам ва мазмундор мулоқотлар икки томонлама ҳамкорликнинг салмоқли шартномавий-ҳуқуқий заминини шакллантириш имконини яратди, бугунги кунда уларнинг сони 250 тадан зиёд ҳужжатни ташкил этади.

Ҳозирги пайтда ҳар икки давлат халқаро майдонда, жумладан, БМТ ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар доирасида сиёсий жиҳатдан бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватламоқда. Хитой тамомила Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлини қўллаб-қувватлаган. Ўз навбатида, Хитой раҳбариятининг чуқур ўйланган ва вазмин сиёсий йўли, унинг ягона Хитой масаласи бўйича қатъий сиёсати, "уч бало" — терроризм, экстремизм ва айирмачиликка қарши олиб бораётган муросасиз кураши Ўзбекистон томонидан юксак баҳоланади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқалар икки томонлама муносабатлардаги муҳим жиҳат ҳисобланади. Ўзбекистон ва Хитой ШҲТнинг муваффақиятли ривожига ҳамда унинг ишида фаол иштирок этишга алоҳида аҳамият беради. Мазкур ташкилот йўналишидаги ҳамкорлик бугунги кунда минтақада ва умуман, дунёда барқарорлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон — Хитой ўртасида парламентлараро ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқдаки, унинг доирасида икки мамлакат парламент делегацияларининг қонун ижодкорлиги фаолияти, ўтказилаётган демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиши сингари соҳаларда ўзаро тажриба ўрганишга қаратилган мунтазам ташриф алмашувлари ҳамда учрашувлар амалга оширилмоқда. 2011 йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум имзоланиши Ўзбекистон — Хитой парламентлараро алоқалари ҳуқуқий асосининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилди.

Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раиси У Бангонинг 2011 йил сентябрдаги ташрифи бу йўналишдаги муҳим воқеа бўлди. Мазкур ташриф икки давлат парламент аъзолари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлагани баробарида, ўзаро алоқалар қамровини кенгайтирди. 2012 йилнинг январида эса Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раисининг ўринбосари Чен Чжили ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг махсус вакили сифатида Ўзбекистонга ташриф буюрди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан қабул қилинди.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг тизимли ривожланишида Ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро қўмитаси муҳим ўрин тутади. Мазкур тузилма доирасида олтита кичик қўмита ташкил этилган бўлиб, улар савдо-иқтисодий ва сармоявий, маданий-гуманитар, илмий-техникавий, энергетика, транспорт, хавфсизлик ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларини қамраб олади.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик 1992 йилнинг январида имзоланган тегишли битим бандлари асосида амалга оширилмоқда. 2009 йил 14 октябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ҳукуматлари ўртасида Стратегик товарлар билан узоқ муддатли савдо-сотиқ қилиш тўғрисидаги битим ҳамда 2010 йилнинг 10 июнида имзоланган икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида нохом ашё ва юқори технология соҳаларида ҳамкорлик дастури ушбу жабҳадаги шерикликнинг жадал ривожланишига хизмат қилаётир.

Давлатларимиз ўртасида ўта қулай муносабатлар муҳити ҳукмрондир. Фаол алоқалар ва имзоланган ҳужжатлар ўзаро товар айирбошлашнинг оғишмай ўсиб боришига кўмаклашмоқдаки, 2012 йили унинг ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 24 фоизга ортгани ҳолда 3,36 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон корхоналари Хитой бозорида талабгор бўлган кенг кўламдаги экспорт товарларини ишлаб чиқармоқда. Кимё, нефтни қайта ишлаш ва нефть-кимё маҳсулотлари, пластмасса, полиэтилен, рангли металлар, каолин ҳамда бошқа турдаги маҳсулотлар шулар жумласидандир. Ўз навбатида, Хитойдан механика ва электр асбоб-ускуналари, қора металлар, пластмасса ҳамда ундан тайёрланган маҳсулотлар импорт қилинади.

Хитой Халқ Республикаси Давлат тараққиёт банки ва ХХР Эксимбанки кредитлари асосида Ўзбекистонда нефть-газ, телекоммуникация, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалиги сингари соҳаларда қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Сармоявий ҳамкорлик кўлами ҳам йил сайин кенгайиб бормоқда. Ўзбекистонга киритилган 4 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги Хитой сармоялари ушбу фикрни яққол тасдиқлайди. Бугунги кунда республикамизда хитойлик сармоядорлар иштирокидаги 450 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 69 таси юз фоиз Хитой сармояси асосида ташкил қилинган. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида 71 Хитой компаниясининг ваколатхоналари аккредитациядан ўтган. Уларнинг фаолияти экспорт-импорт операцияларини ўтказиш, тўқимачилик товарларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ахборот технологиялари ва яна бошқа кўплаб соҳаларни ўз ичига олади.

Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси томонидан Ўзбекистоннинг нефть ва газ ресурсларига бой ҳудудларида геология-қидирув ишларини олиб бориш бўйича қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётгани ҳолда, "Ўзбекистон — Хитой" газ қувурининг қувватини янада ошириш борасида ўзаро ҳамкорлик қилинмоқда.

Савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида 2013 йили Хитойнинг Пекин, Сучжоу, Ханьчжоу ва Шеньянь шаҳарларида ўтказилган сармоявий форумлар чоғида Хитой компаниялари иштирокида 51 лойиҳани амалга ошириш бўйича 300 миллион АҚШ долларидан зиёд қийматга эга бўлган келишувлар имзоланди. Хусусан, жорий йилнинг июль ойида Тошкентда "Жиззах" махсус индустриал зонаси — Хитой компаниялари учун улкан сармоявий имкониятлар майдони" мавзуига бағишланган анжуман якунида "Жиззах" махсус индустриал зонасида қўшма сармоявий лойиҳаларни ҳаётга жорий этишга қаратилган, умумий қиймати 100 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган 21 битим имзоланди.

Икки мамлакатнинг яқинлашувига кўмаклашаётган яна бир омил маданий-гуманитар ҳамкорликдир. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Хитой Халқ Республикаси Маданият вазирлиги ўртасида имзоланган ва 2010 — 2013 йилларга мўлжалланган Маданий алмашувлар дастури доирасида томонлар мунтазам равишда бадиий ва фотокўргазмалар ўтказмоқда, концертлар ташкил этилаётир, икки мамлакат фольклор жамоалари Ўзбекистон ва Хитойда ташкил қилинадиган турли тадбирларда мунтазам қатнашиб келади.

Жорий йилда Хитойнинг қатор йирик шаҳар ва провинцияларида "Ўзбекистондаги таниқли мусаввирларнинг ижодий ишлари" деган умумий ном остида бадиий кўргазмалар туркуми ташкил этилди. Улар ХХР жамоатчилигини мамлакатимиз маданияти ва санъати билан яқиндан таништириш мақсадида ўтказилди. Ўз навбатида, Хитой маданият ва санъат арбоблари "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали, "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали, "Art Week Style.uz" санъат ҳафталиги тадбирларида фаол иштирок этишмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 27 — 30 август кунлари афсонавий Самарқандда бўлиб ўтган "Шарқ тароналари" IX халқаро мусиқа фестивалида хитойлик санъаткорлар ўзларининг муваффақиятли чиқиши билан иккинчи ўринни қўлга киритиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Хитойда ўзбек халқининг маънавий қадриятлари ва бетакрор тарихий меросига катта ҳурмат билан ёндашилади. 2003 йилда Чанчунь шаҳрида ўрта асрлар даврининг машҳур мусаввири, миниатюра рассомчилиги дарғаси Камолиддин Беҳзод ҳайкалининг очилиши ўзбек маданиятига нисбатан алоҳида ҳурмат белгиси бўлди.

Гуманитар алоқаларнинг кенгайиб бориши ҳақида фикр юритилар экан, сайёҳлар алмашинуви соҳасидаги ижобий тамойил ҳақида ҳам тўхталиш жоиздир. 2009 йил июнь ойида "Ўзбектуризм" Миллий компанияси ва ХХР Миллий сайёҳлик маъмурияти ўртасида имзоланган Ўзаро англашув меморандуми ҳамда Хитой томонидан республикамизга ХХР фуқаролари учун сайёҳлик йўналишидаги мамлакат мақомининг берилиши бу борадаги алоқаларнинг кенгайиб боришига хизмат қилмоқда.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик хусусида эса шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзбек ёшлари орасида хитой тилини ўрганишга бўлган интилиш йил сайин ўсиб бормоқда. Бу борада Тошкент шаҳрида 2005 йилдан бери фаолият кўрсатаётган Конфуций институтининг хизмати катта бўляпти. Мазкур институт кўплаб ёшларга хитой тилининг асосларини ўзлаштириш, Хитойнинг ўтмиши, маданияти ва замонавий тараққиёти билан яқиндан танишиш учун ажойиб имкониятларни яратмоқда. Айни пайтда Самарқанд давлат чет тиллар институти базасида Конфуций институтининг филиалини очиш масаласи ишлаб чиқилаётир. Шунингдек, 2007 йилдан буён Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Хитой томонидан беғараз ёрдам тариқасида тақдим этилган замонавий лингафон асбоб-ускуналари билан тўла жиҳозланган Хитой тили маркази муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

2012 йилдан буён Пекин чет тиллар университетида ўзбек тили ўқитилиши йўлга қўйилган. 2013 йилнинг 15 май куни Шанхай университети ҳузуридаги ШҲТ Жамоат дипломатияси илмий тадқиқот институти базасида "Ўзбекистон тадқиқотлари ва маърифий алмашувлар маркази"нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Яқин ойларда Шанхай шаҳрида буюк ўзбек шоири ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг ҳайкали очилади.

Мухтасар айтганда, бугун Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатлар азалий дўстлар ҳамда ишончли, вақт синовидан ўтган, стратегик шерикларнинг очиқ ва самимий мулоқоти хусусиятини касб этган. Барча соҳалардаги икки томонлама алоқалар тараққиётининг барқарор ўсиш суръатларини ҳисобга олган ҳолда, шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистон Республикасига буюражак давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихида муҳим воқеа бўлади ҳамда у Ўзбекистон — Хитой стратегик шериклигининг янада мустаҳкамланиши, чуқурлашуви ва янги мазмун билан бойишига хизмат қилади.

**«Жаҳон» АА.**

---

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

*Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантириш, бу борада тегишли ҳуқуқий-ташкилий пойдеворни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пировардида "учинчи сектор" вакиллари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланаяпти. Хусусан, фуқароларнинг ижодий салоҳиятини руёбга чиқариш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратиш ҳамда жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашда фаол иштирок этмоқда.*

# Ижтимоий лойиҳаларга молиявий кўмак

Албатта, ушбу жараёнда фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг миллий тизими — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Улар ташкил этилганидан сўнг ўтган беш йил давомида давлат бюджети маблағлари ҳисобига нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларининг муҳим ижтимоий аҳамиятга молик дастур ва лойиҳалари қўллаб-қувватлаб келинаяпти. Бу эзгу юмушлар давлат субсидиялари, давлат ижтимоий буюртмалари, давлат грантлари шаклида амалга оширилгани диққатга сазовор.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида парламент ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилишида жорий йилнинг июнь-июль ойларида Жамоат фонди томонидан ўтказилган иккита танловга давлат гранти олиш учун ННТ ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан тақдим этилган лойиҳалар кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, ҳозирги кунда экологик барқарорликни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ноёб турларини сақлаб қолиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва экологик маданиятни юксалтириш, мазкур соҳада ижтимоий шерикликни кучайтиришда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини рағбатлантириш муҳим ўрин тутади. Бинобарин, Парламент комиссияси ва Жамоат фонди учун ушбу фаолият устувор йўналишлардан ҳисобланади. Айниқса, ўтган давр мобайнида ўз сафида 250 га яқин экология ва соғлиқни сақлаш йўналишидаги ННТ ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини бирлаштирган Ўзбекистон экологик ҳаракати кенг қўллаб-қувватланганини алоҳида айтиш лозим.

Йиғилишда "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида эълон қилинган "Шаҳарлар, маҳаллалар ва кўчаларни ободонлаштириш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш масалаларида аҳоли ва ННТнинг фаоллигини ошириш" мавзуидаги Давлат гранти танловига тақдим этилган лойиҳалар ҳам муҳокама марказида бўлди. Натижада 48 та лойиҳани 690 млн. сўмлик маблағ билан қўллаб-қувватлашга қарор қилинди. Табиийки, бунда ушбу лойиҳалар жойларда аҳолининг тиббий ва экологик маданиятини юксалтириш, шу йўналишда маънавий ва тарбиявий аҳамиятга эга тадбирлар ўтказиш, аҳоли саломатлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини сифатли тарғиб этиш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ўртасида ижтимоий шерикликни таъминлашга хизмат қилиши инобатга олинди.

Тадбирда юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ташаббусларини рағбатлантириш, ижодий, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, мукаммал замонавий билим олишлари учун кенг имкониятлар яратиб берилганига алоҳида тўхталиб ўтилди. Мазкур йўналишда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, Ёшлар бандлигига кўмаклашувчи марказ каби қатор ННТ ҳамда фуқаролик жамияти институтлари фаолияти, айниқса, эътиборлидир.

Чунончи, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш Фонди томонидан Парламент комиссияси кўмаги асосида "Ўзбекистонда инклюзив таълим" лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилди. Айни чоғда олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшларни қўшимча касбларга жалб қилиш йўналишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ёки "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллари ассоциацияси ва Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда давлат ижтимоий буюртмаси асосида касб-ҳунар коллежлари битирувчи қизлари бандлигини таъминлаш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар бажарилди. Шунингдек, Республика болалар ижтимоий мослашув марказининг Фарғона ва Самарқанд вилоятларида қурилаётган филиалларига керакли жиҳозлар олиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Парламент комиссияси "учинчи сектор"нинг мазкур йўналишдаги иштироки миқёсини янада кенгайтиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Шу боис бу борада ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан тақдим этилган 121 лойиҳа ўрганиб чиқилганидан сўнг уларнинг энг яхши ижтимоий аҳамиятга молик бўлган 43 таси давлат гранти олишга муяссар бўлди. Уларни қўллаб-қувватлаш учун 600 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилди.

Йиғилиш кун тартибидаги яна бир масала Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 январдаги "Ўзбекистонда БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгилаб берилган вазифалар ижросида нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирокига бағишланди. Бугунги кунда мазкур жабҳада аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатлами бандлигини таъминлаш, уларнинг даромад манбаларини кўпайтириш, таълим сифатини янада яхшилаш, аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг жамиятдаги ролини ошириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантириш, экологик барқарорликни мустаҳкамлаш ва аҳоли экологик маданиятини юксалтиришга қаратилган лойиҳалар амалиётга жорий этилаётир.

Ўтказилган иккита танлов бўйича тақдим этилган лойиҳаларнинг Парламент комиссияси томонидан қўллаб-қувваланиши ҳам Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Зотан, уларнинг замирида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, аҳоли турмуш фаровонлиги ва Ватан равнақини янада юксалтиришда ННТ иштирокини кучайтиришдек эзгу мақсад мужассам.

Шуларга уйғун тарзда "БМТнинг Мингйиллик тараққиёт мақсадларига эришишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштироки: Ўзбекистон тажрибаси" мавзуидаги халқаро конференция дастурига ҳам грант танловлари ғолибларига сертификат топшириш маросими киритилди.

**С. МАХСУМОВ.**

---

ИНТИЛИШ

*Қуруқ қурилиш аралашмалари ва пардозлаш ашёларини қадоқлашда, асосан, қоғоз қоплардан фойдаланилмоқда.*

## Ташқи таъсирларга чидамли

Чунки улар қулай ва арзонлигидан ташқари ташқи омилларга, масалан, қуёш нури ҳамда намликка чидамлилиги билан ажралиб туради.

Мамлакатимиздаги кўплаб қурилиш маҳсулотлари тайёрловчи корхоналарга бундай қоғоз қопларни Зангиота туманидаги "Иззатилла-принт" хусусий корхонаси жамоаси етказиб бермоқда. Ҳозир бу ерда кунига 3,5 минг донагача қоғоз қоп тайёрланаётир. Мижозлар танлаган дизайн асосида уларга шу ернинг ўзида ранг-баранг ёрлиқлар ҳам туширилаяпти.

— Биз билан ҳамкорлик қилаётган корхоналар сони 100 дан ошди, — дейди тадбиркор И. Саломуллаев. — Бундан ташқари, қўшни давлатлардан ҳам буюртмалар олаяпмиз. Шундан келиб чиқиб, айни пайтда тижорат банкининг 1 миллиард сўмлик сармояси ҳисобига Германиядан янги технологик линиялар олиб келиш ҳаракатидамиз.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

## Модернизация:

# Иқтисодий юксалиш ва ривожланиш омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).




Аслида, модернизация кишилик жамиятининг ривожланиш қонуниятлари доирасида амал қилувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, тарихий-фалсафий, техник ва технологик ривожланиш жараёнини ўзида ифода этади. Соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, модернизация жамиятнинг анъанавий шаклидан замонавий шаклига ўтиб бориши, ундаги моддий ва номоддий ишлаб чиқариш жараёнининг аграр шаклидан индустриал шаклига айланиши тарзида намоён бўлади.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги ана шу мезонлар асосида босқичма-босқич модернизация қилиниб, соҳада хусусий мулк фаолияти кафолатлари учун барча ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилди. Пировардида бугун етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99,9 фоизи нодавлат субъектлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Модернизациялаш тадбирлари, айтиш мумкинки, фермерлик ҳаракатини қишлоқ хўжалигининг таянчи ва суянчи сифатида майдонга чиқишини таъминлади. Негаки, илгари қишлоқ мулкдорлари фақат деҳқончиликнинг маълум бир йўналишлари билан шуғулланган бўлсалар, ҳозирги кунда улар қўл урмаган тармоқ деярли қолмади. Фермер хўжаликларининг ер майдонлари оптималлаштирилиб, ўртача 80 гектардан кам бўлмаслиги зарур техникаларни сотиб олиш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга банк кредитларини жалб қилиш, умуман олганда, самарали фаолият кўрсатиш учун замонавий технологияларни татбиқ этиш борасида имкониятлар эшигини кенгроқ очиб берди. Пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари тасарруфидаги ўртача ер майдони 106,3 гектарни ташкил қилиши эса иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, пировардида техника паркини замонавий қишлоқ хўжалиги машина ва механизмлари билан бойитишда қўл келаётир. Модернизация дастурлари доирасида фермер хўжаликларига лизинг асосида етказиб берилаётган техникалар сони муттасил ортиб, 2012 йилда 2010 йилдагига нисбатан қарийб 2 баробар кўпайгани бунинг яққол тасдиғидир. Улар орасида юқори унумли ҳайдов ва чопиқ тракторлари, ғалла ва маккажўхори ўриш комбайнлари, чигит экиш сеялкалари ва чеканка қилувчи агрегатлар, қисқаси, ўнлаб янги русумдаги техника ва ускуналар борлиги диққатга сазовордир.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига қараганда, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ва унумдорлигини яхшилашга мўлжалланган иншоотларни модернизациялаш, ресурс тежамкор технологияларни татбиқ қилиш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда. 2008 — 2012 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган Давлат дастури доирасида бажарилган ишлар бунга мисол бўла олади. Эътибор қилинг, ушбу йўналишдаги тадбирларга фақатгина 2012 йилнинг ўзида 210,0 млрд. сўм маблағ ажратилди.

Истиқлол йилларида халқимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида эришган тарихий ютуқлардан яна бири, бу — ғалла мустақиллигининг қўлга киритилганидир. Юртбошимиз ташаббуси билан махсус дастур қабул қилинганидан сўнг 3-4 йил ичида ўз донимиз, беминнат нонимизга эга бўлиб, ғаллани импорт қилувчи давлатлар сафидан чиқиб, уни экспорт қилувчилар қаторига қўшилдик. Бу қишлоқ хўжалигимиз тарихидаги улкан воқелик бўлиб, бир қатор ижтимоий ва иқтисодий масалаларни ҳал қилиш имконини берди. Энг муҳими, мамлакатимиз аҳолисини ун ва ун маҳсулотлари билан таъминлашда дунё ғалла бозори конъюнктураси ўзгаришига қарам бўлишнинг олди олиниб, дон маҳсулотлари билан барқарор таъминоти масаласи узил-кесил ҳал этилди. Шунингдек, озиқ-овқат таъминотининг асосини ташкил этувчи нон ва нон маҳсулотларининг нархини миллий иқтисодиёт ва халқимиз манфаатлари доирасида барқарор ушлаб туришга шароит яратилди.

Қувонарлиси, ғаллачиликда ҳосилдорлик йил сайин ошиб, тармоқда рекорд кўрсаткичлар қўлга киритилмоқда. Агар 1991 йилда юртимизда жами 940 минг тонна ғалла етиштирилиб, ўртача ҳосилдорлик, бор-йўғи, 17 центнерни ташкил этган бўлса, жорий йилда умумий ҳосил 7 баробардан ортиқ кўпайиб, 7 миллион 610 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этилди. Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар, изчил янгиланишлар мевасидир, албатта.

Маълумки, мамлакатда аҳоли сони ортиб бориши жамиятда қўшимча ижтимоий-иқтисодий талабларни келтириб чиқаради. Уларни қондириш эса ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, табиий ресурслар чекланган шароитда тежамкор техника ва технологиялардан фойдаланиш, яъни модернизациялашга эҳтиёжни янада кучайтиради. Шундан келиб чиқиб, юртимизда қишлоқ хўжалиги тармоқларига энг илғор ва интенсив агротехнологиялар жорий қилинаяптики, бу амалда ўзини тўла оқлаяпти. Зеро, истиқлол халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши, ишга ва ҳаётга муносабатини бутунлай ўзгартириб юборди. Ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончини мустаҳкамлади. Бу эса эришаётган барча ютуқларимизнинг асоси бўлиб хизмат қилаяпти.

**Норқул ХУШМАТОВ,**
**Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари илмий тадқиқот институти директори, и.ф.д., профессор.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

*Чоршанба куни Ирландиянинг “Ryanair” авиакомпанияси акциялари баҳоси бирданига 15 фоизга пасайиб кетди, дейилади “Евроньюс” телеканали хабарида.*

## Талаб камайиб кетди



Бунга компаниянинг жорий йил якунлари бўйича соф фойда миқдори аввал тахмин қилинганидан (570-600 миллион евро) анча оз бўлиши кутилаётгани ҳақидаги маълумоти сабаб бўлди. Тушумнинг пасайиши эса еврохудудда амалга оширилаётган бюджет харажатларини қисқартириш тадбирларига бевосита боғлиқ. Чунки айнан шу омил туфайли авиачипталарга талаб ҳам камайиб кетган.

## «Ақлли» соатлар

*Жанубий Кореянинг “Samsung” компанияси яна бир янги маҳсулоти — “Galaxy Gear” деб номланган “ақлли” соатларини кенг омма эътиборига ҳавола қилди.*



“Android” операцион тизими билан ишлайдиган ушбу мўъжаз технология ҳам бежирим, ҳам қўлга қулай қилиб яратилган. Унда энг сўнгги русумдаги смартфонларнинг деярли барча функциялари мавжуд. Жумладан, ушбу соат ёрдамида қўнғироқларни амалга ошириш, суратга олиш ёки видеотасвирга тушириш мумкин. Батареяси бир марта қувватлантирилганда 27 соатгача хизмат кўрсатади. Эътиборлиси, “Galaxy Gear”га буйруқларни овоз орқали ҳам берса бўлади.

Янги маҳсулотнинг нархи ҳақида манбада бирор гап айтилмаган.

## Бронза даврига оид шаҳар

*Швециянинг Гетеборг университети археологлари Кипрда бронза даврига оид ҳунармандлар шаҳри қолдиқларини аниқлашди.*

Унга Ларнаки қишлоғи яқинида дуч келинган. Бу ердан қадимий мис печь, 300 кг. темир рудаси ва эритилган металл қолдиқлари, керамика ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари топилган. Маълумки, бронза даврида одамлар темирга ишлов беришни ўзлаштириб, ундан турли меҳнат қуролларини ясашган. Ана шу омиллардан келиб чиқиб, тадқиқотчилар Кипр ҳудудида ҳам бронза даврида аҳоли истиқомат қилган манзиллар мавжуд бўлган, деган хулосага келишди.

## Энг катта салат

*АҚШнинг Массачусетс Амхерст университети ошпазлари дунёдаги энг катта мевали салатни тайёрлашди.*



Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан ҳозирланган ушбу таомнинг оғирлиги 6935 килограммга тенг. Бунинг учун 500 нафар талаба ошпазларга кўмак бериб турди. Салатни тайёрлашда олманинг 20 туридан 1,6 тонна, қовуннинг 19 туридан бир тонна ҳамда шафтоли, банан, апельсин, беҳи каби яна кўплаб мевалардан фойдаланилди.

Ошпазлар иши мутахассислар томонидан кузатиб борилди ва гигант салат Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди.

## Аввал таом...

*Ҳар куни нонуштани канда қилмайдиган болалар мактабда яхши ўқишади.*

Буюк Британия олимлари ўз кузатишлари давомида шундай хулосага келишди. 1950 — 2012 йиллар оралиғини қамраб олган ушбу мавзудаги 36 та тадқиқот таҳлил этилганда, нонушта қилмайдиган болалар нафақат фанларни ўзлаштиришда тенгқурларидан ортда қолиши, балки диққат-эътиборни жамлашда ҳам анча қийналиши аниқланган.

Шу боис олимлар ушбу муассасаларида нонушта ташкил этиш ёш авлоднинг пухта билим олишида самара беради, дея ҳисоблашмоқда.

## Фаолиятини якунламоқчи

*Олти карра Олимпиада чемпиони, ямайкалик енгил атлетикачи Усейн Болт 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган ҳар тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасидан сўнг спортчилик фаолиятини якунламоқчи эканлигини билдирди.*

“Fox News” телеканали хабарида айтилишича, Болт Бразилияда ҳам олтин медални қўлга киритишдан умидвор. Бундан ташқари, у 2014 йилда 200 метр масофага югуришда янги жаҳон рекордини ўрнатиш ниятида.

Маълумки, Ямайка вакили енгил атлетика бўйича ташкил этилган жаҳон чемпионатларида саккиз бор зафар қучган. 100 (9,58 сония) ва 200 (19,19 сония) метрга югуриш бўйича амалдаги рекордлар ҳам унга тегишли.



**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

---

2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

*Саховатли заминда яшаймиз. Бепоён далаларимиз ва боғу роғларимиз файзу баракаси беҳисоб. Шу туфайли бозорларимиз йил бўйи ноз-неъматга тўла, турмушимиз обод, насибамиз бутун.*

*Биргина юртдошларимиз фидойи меҳнати билан яшнаб турган томорқаларимизга боқинг. Хазинанинг ўзгинаси. Рўзғор учун зарур барча мева-сабзавот, полиз экинлари шу кафтдеккина ердан чиқаяпти. Эҳтиёждан ортгани эса деҳқонлар даромадига даромад қўшмоқда. Бундай имкониятдан оқилона фойдаланган кўплаб ҳамюртларимиз томорқа негизида оилавий бизнесни йўлга қўйиб, уни чинакам барака манбаига айлантиришгани эса нур устига аъло нур.*



# Оилавий бизнес баракаси

Уйчи туманидаги Ёрқатай маҳалласида ҳар уч хонадоннинг бири иссиқхона хўжалигини оилавий тадбиркорликка айлантирган. Тўрт мингдан ортиқ фуқаро истиқомат қиладиган бу ҳудуддаги 400 дан зиёд оила истиқлол йилларида ўзининг томорқасига эга бўлди. Одамларнинг аксарияти ерга меҳр бериб, ундан унумли фойдалана бошлади. 43 ёшли Жамолиддин Абдураҳмонов — шулардан бири. Унинг мўъжазгина ҳовлисига кирган киши дафъатан чаманзорга тушиб қолгандек ҳис қилади. Замонавий тураржой биноларидан ортган олти сотихга яқин томорқада тупроғимиз суйган барча ўсимликни учратасиз. Уй эгалари бир неча йил аввал бир ярим сотих жойга иссиқхона қуришганидан сўнг олма, нок, ўрик ва гилослар қаторига цитрус мева кўчатлари ҳам қўшилди.



Хонадон бекаси Шаҳзода опа — мактаб ўқитувчиси. Бўш вақтида фарзандларини ёнига олганича томорқа оралайди. Бири экинга ишлов берса, бошқаси суғоради, яна бири пишган ҳосилни йиғади. Мана, уч йилдирки, кўчатчилик билан ҳам шуғулланишаяпти. Лимоннинг ўндан ортиқ навини етиштиришади. Ўтган йилдан бошлаб, араб хурмоси, папайя кўчатларини ҳам ўстира бошладилар. Иссиқхонадаги дафна дарахти бултур мурғак ниҳол эди, бугунга келиб роса бўй чўзди. Абдураҳмоновлар баҳор мавсумида минг тупдан ортиқ кўчатни сотувга тайёрлашади. Уларни бозорга чиқариш шарт эмас, катта қисмини маҳалла-кўй, қолганини узоқ-яқиндан келиб, олиб кетишади.

— Томорқа хўжалиги нафақат даромад манбаи, балки фуқаролар бандлигини таъминлаш, фарзандлар меҳнат тарбиясида самарали воситага айланган, — дейди Ёрқатай маҳалласи оқсоқоли Парпибой Улуғхўжаев. — Йиғинимиз ҳудудидаги икки юздан зиёд хонадон уни асосий фаолият турига айлантирган. Уларнинг ўттизга яқини ҳовлисига енгил конструкцияли иссиқхона қурган. Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунида белгиланган имтиёз ва имкониятлардан фойдаланиб, оилавий бизнесини юритаётган фуқароларимиз сони йил сайин ортиб бораётир. Натижада улар етиштираётган мева-сабзавотлар сотувидан маҳалламизга йил давомида 2 миллиард сўмдан зиёд маблағ кириб келаётир.

Йиғин раиси таъкидлаганидек, бугун кўча-кўйда бекор юрган ёшларни учратиш қийин. Йигит-қизларнинг кўпчилиги таълим олиш билан банд, мактабдан сўнг ота-оналарига ёрдам беришга тутинадилар. Маҳаллада оилавий тадбиркорликнинг бошқа йўналишлари, масалан, тикувчилик, маиший хизмат кўрсатиш, ёғочга ишлов бериш турлари йўлга қўйилганлиги уларга оилавий бизнеснинг бошланғич сабоғини олиш имкониятини яратган. Беш жойдаги тикувчилик устахонасида бозорда савдоси чаққон бўлган либосларни тикаётган ёшларнинг ғайратидан ота-оналар ниҳоятда хурсанд. Мисол учун, Ёқутхон Раҳмонованинг ўз хонадонида 7-8 нафар шогирди билан тайёрлаётган элита пардаларни келин тушираётган уйларга яхшигина безак бўлаяпти.

Аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишнинг муҳим омили бўлган оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, бу юмуш билан шуғулланишни мақсад қилган юртдошларимизга кенг имконият яратиб бериш “Обод турмуш йили” Давлат дастурида кўзда тутилган муҳим вазифалардан биридир. Уйчининг биз ҳикоя қилган Ёрқатай маҳалласида амалга оширилаётган ибратли ишлар мисолида айни вазифа изчил рўёбга чиқаётгани кўзга ташланади. Зеро, юрт ободлиги ҳар биримизнинг хонадонимиз, эзгу мақсадлар йўлида кўпчиликни бирлаштириб турган маҳалладан бошланади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

---

# Таълим ва устувор йўналишлар

*Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида “Таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан тизимли равишда таъминлаш масалалари, дарс жараёнига ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш борасида белгиланган устувор йўналишлар” мавзуида анжуман бўлиб ўтди.*

АНЖУМАН

Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда соҳа мутасаддилари, ўқитувчи ва мураббийлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Анжуманда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёш авлоднинг маънан ва жисмонан соғлом бўлиб камолга етишини таъминлаш йўлида изчил ислоҳотлар амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлашди. Айни пайтда таълим сифатини янада яхшилаш, соҳага янги педагогик технологияларни кенг татбиқ этишга устувор аҳамият қаратилаётир.

Янги ўқув йили бошлангани муносабати билан ташкил этилган тадбирда узлуксиз таълим тизимининг асосий бўғини — халқ таълими соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берилди. Қайд этилганидек, бугунги кунда тизимда 9765 та мактаб, 4962 та мактабгача таълим муассасаси, 211 та “Баркамол авлод” болалар маркази, 299 та мусиқа ва санъат мактаби, 445 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 27 та Меҳрибонлик уйи, 16 та педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти фаолият кўрсатаётир.

Ўқув масканларида 410 654 нафар ўқитувчи меҳнат қилмоқда. Ўқувчилар сони эса 4 468 101 нафарни ташкил этади. Таълим етти тилда олиб борилаётир.

Ўзбекистон халқ таълими вазири У. Иноятовнинг маълум қилишича, мазкур ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 1, 4, 6, 7-синф ўқувчилари учун жами 392 номда 22 533 772 нусхада дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар чоп этилиб, жойларга етказилди. Шунингдек, мактабларнинг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминланишига алоҳида эътибор қаратилди.

Ахборот-коммуникация технологиялари жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда таълим жараёни ҳам доимий янгиланиб ва такомиллашиб бормоқда. Тезкор ахборот алмашиш тизимини яратиш, барча мактабларни ягона таълим порталига бирлаштириш мақсадида Ҳамдўстлик давлатлари ўртасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ташкил этилган. Марказ томонидан бугунги кунда замонавий электрон дарсликлар ва мультимедиа воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш йўлга қўйилди.

Матбуот анжуманида ўқувчилар ўртасида ўтказиб келинаётган республика фан олимпиадалари, билимлар беллашувлари хусусида сўз юритилди. Бу борада журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берилди.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ.**

---

ВЕЛОМАРАФОН

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан “Касаба — TUR” веломарафони ўтказилди.*

# Соғлом турмуш тарғиботи



Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб ташкил этилган ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 5 минг нафардан зиёд ҳаваскор велоспортчи қатнашди.

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, аҳоли ўртасида спортни янада оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва шу орқали улар саломатлигини мустаҳкамлашдан иборат.

Ҳар бир ҳудудда бўлиб ўтган веломарафон доирасида жойлардаги таниқли спортчилар, санъаткорлар, ёш ижрочилар ҳамда бадиий ҳаваскорлик жамоалари, маданият ходимлари иштирокида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган маданий тадбирлар ҳам уюштирилди.

Якунда “Энг фаол пойгачи”, “Энг маҳоратли пойгачи”, “Ғалабага бўлган иштиёқи учун”, “Энг ёш пойгачи” ва “Энг кекса пойгачи” номинациялари ғолибларига диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**М. ЎРМОНБЕКОВА.**

---


● Реклама ва эълонлар ●




«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 10 майдаги 10-1219/5210-сонли ва 2012 йил 9 апрелдаги 10-1209/2206-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 12-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони 432 кв.м. бўлган, жами 18 хонадан иборат 2 қаватли маъмурий бино такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 143 737 117,64 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 27 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 25 сентябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1518R/1453

ТАШКИЛОТ

**2008 йилда ишлаб чиқарилган, ранги оқ, техник носоз бўлган «Toyota Land Cruiser» автомашинасини тендер асосида сотади.**



**Тендер савдосида барча қизиқиш билдирган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.**

*Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.*

**Маълумот учун телефон: (8-371) 262-76-92.**

1517A/883

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02


Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази жамоаси Ўзбекистон офтальмологиясининг фахрийси, профессор

**Муҳтарам ҲАМИДОВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

## Саноатда салмоқли ўсиш

Диққатга молик далил. Вилоят иқтисодиётида саноатнинг улуши тобора ортиб бораяпти. 2012 йилда саноат корхоналари томонидан 2,1 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 2011 йилдагига нисбатан 104,8 фоиз ўсишга эришилди. Бултур саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қаратилган дастурлар доирасида 468 та бизнес лойиҳа амалга оширилди. Натижада янги турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Пайпоқ, атирсовун, пэтлента, суюқ шиша, кир ювиш кукуни, болалар гигиеник воситалари каби қатор маҳсулотлар илгари хориждан валюта эвазига олиб келинарди. Эндиликда ортиқча сарф-харажатга ҳожат қолмади.

## Тадбиркорликнинг кенг имкониятлари

Иш ўринлари яратиш, шу орқали аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни бениҳоя катта. Ҳозир вилоятда 24 минг 300 дан зиёд кичик бизнес субъекти, 3754 та кичик корхона, 20 мингдан зиёд микрофирма фаолият кўрсатмоқда. Иш билан банд аҳолининг 77,2 фоизи айнан шу соҳада меҳнат қилаяпти. Ўтган йилда вилоят ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида соҳа вакилларининг улуши 65,7 фоизга тўғри келди. Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 243,4 миллиард сўм миқдорида узоқ муддатли кредитлар ажратилди. Биргина якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 8638 та иш ўрни яратилди.



# Бухоро вилояти: ИСТИҚЛОЛДАН МУНАВВАР ЗАМИН

олти мингдан зиёд иш ўрни яратилди.

Саноат соҳасида хорижий инвестициялар салмоғининг ошиб бораётгани ҳам қувонарлидир. Дейлик, 2005 йилда ҳудудга 22,4 миллион АҚШ долларилик хорижий сармоя жалб этилган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 663,4 миллион долларни ташкил қилди. Бошқача айтганда, вилоятнинг инвестициявий имкониятлари ўттиз бараварга ортди. Шу каби ишлар самараси сифатида айни пайтда воҳадаги корхоналарда ўттизга яқин

Ғиждувоннинг Узанон қишлоғида яшовчи Шавкатжон Шарипов ҳам интилувчан тадбиркорлардан бири. "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоси. У миллий ҳунармандчиликнинг энг яхши анъаналарини замонавий усуллар асосида давом эттирмоқда.

— Тадбиркорларга берилаётган имконият ва имтиёзлардан фойдаланаётган юзлаб, минглаб ёшлардан бириман, — дейди у. — Бозорни ўрганиб, миллийлик ва замонавийлик уйғунлашган бежирим либослар тайёрлашни йўлга қўйдик. Бунинг учун хориждан компьютерлаштирилган тикув машиналари харид қилдик. Бу дастгоҳ энергияни кам сарфлайди, ишлаш учун қулай. Бир неча вазифани бажара олади. Фақат зарур жараён дастурга киритилса, кифоя.

Айни пайтда бу ерда йигирма турдан зиёд маҳсулот тайёрланмоқда. Уларга ички бозорда талаб катта. Муҳими, биргина ёш тадбиркор ташаббуси билан қишлоққа саноат кириб келди. Ўттиз нафарга яқин хотин-қиз иш билан таъминланди.



## Келажакка сарфланган сармоя

Суннатилланинг Бухоро давлат университети қошидаги 3-сон Қоракўл академик лицейини тугатишига ҳали яна бир йил бор. Лекин у ҳозирданоқ ўзини университет талабаси, деб ҳис этмоқда. Сабаби, шу йил кимё фани бўйича Тошкентда бўлиб ўтган халқаро Менделеев фан олимпиадасида бронза медалини қўлга киритди ва олий ўқув юртига имтиҳонсиз кириб таҳсил олиш имконига эга бўлди. Бу ютуқдан, табиийки, унинг ўзи ҳам, уйидагилари ҳам мамнун.

— 18 та давлат вакиллари иштирок этган мазкур фан олимпиадасида Суннатилла Фазлиев қатори лицейимизнинг яна икки ўқувчиси — Азиз Ҳамроқулов ҳамда Рустам Ҳазратқулов ҳам шундай натижага эришди, — дейди ушбу таълим маскани директори ўринбосари Н. Бозоров. — Бундан ташқари, республика фан олимпиадасида учинчи даражали диплом билан тақдирланган Феруз Исломов Тошкент тиббиёт академияси талабасига айланди.

Бу каби ютуқлар, ҳеч бир шубҳасиз, истиқлол йилларида таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар, давлатимизнинг ёш авлодга кўрсатаётган ғамхўрлиги натижасидир. Вазирлар Маҳкамасининг "2004 — 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш тўғрисида" ги қарорига асосан, вилоятда 7 та янги мактаб қурилди, 81 мактаб тубдан, 139 та билим даргоҳи биноси эса мукаммал таъмирланди. Ўтган давр мобайнида вилоятда 66 та янги академик лицей ва касб-ҳунар коллежи барпо этилди, 22 таси реконструкция қилинди, 42 та ётоқхона қурилди. Ушбу мақсадларга 215 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилди. Бу ёш авлоднинг пухта билим олиши, касб-ҳунар сирларини эгаллаши, келажакда жамиятимизда ўз ўрнини топиши учун давлатимиз томонидан нечоғли катта ғамхўрлик кўрсатилаётганининг яққол далилидир.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Шомурот ШАРАПОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ

*Истиқлол шарофати билан юртимиздаги қадамжолар тарихини мукаммал ўрганиш борасида кенг имкониятлар юзага келди. Хусусан, Сурхон воҳасида ҳам Ватанимиз тарихи ва унинг ёдгорликлари ҳақидаги топилмалар, маълумотлардан ёш авлодни воқиф этиш мақсадида эзгу ишлар амалга оширилмоқда.*

# Ҳавоси мусаффо, суви шифобахш

Бойсун тоғлари бағридаги Омонхона сиҳатгоҳи икки катта — Палангхона ва Омонхона сойликлари туташган масканда жойлашган. Ҳар иккала сойлик ҳам баланд тоғлар билан ўралган кенг даралардан бошланади. Палангхона ва Омонхона деб номланадиган бу даралар ҳадсиз тоғ арчазорлари билан қопланган. Азалдан маълумки, арчалардан кислород таралади. Шунингдек, улар тоғ булоқларини сув билан таъминлашда асосий манба бўлиб хизмат қилади. Шу боис Омонхонага ташриф буюрганлар нафас олишлари енгиллашганлигини тезда сезишади.

Ривоят қилишларича, XIV асрда Термиздан Омонхонага келган Ҳазрат Султон Валий Балогардон қишлоқдан ювиниш учун сув излаган. Тополмагач, ҳассасининг учини ўзи устига чиқиб турган тошнинг юзасига санчган. Ҳассасини тошдан олганида ундан жилдираб тиниқ сув чиқа бошлаган. Ҳозирги кунда ушбу булоқ Катта Бошбулоқ номи билан машҳур. Яна бир ривоятда келтирилишича, у киши Амир Темур билан Омонхона ғоридан унча узоқ бўлмаган Дийдоркам қишлоғида учрашган. Ушбу учрашувдан сўнг Амир Темур Омонхона қишлоғининг қибла томонидаги Қўрғонак, тоғ томонидаги Совуқбулоқ, паст томонидаги Пудинабулоқ, кунчиқар оралиғидаги ерларни Ҳазрати Султон Валий Балогардонга муҳрлаб берган ва барча солиқлардан озод этган. Маҳаллий аҳолининг гувоҳлик беришича, ушбу вақфнома яқин-яқингача сақланган. Аммо шўролар даврида у номаълум жойга беркитилиб, ҳозиргача топилмаган.

Омонхона ғори Ёппакамардаги машҳур шифобахш булоқдан тўрт-беш метр баландликда жойлашган. Ғорнинг оғзи анча тор бўлиб, бир киши сиқилиброқ ўтиши мумкин. Ғорнинг оғзидан тубига томон элтувчи йўлак деярли тик (чуқурлиги 3,5 метр) тушган. Сўнгра бир-икки метр ёнроқ юрилиб, зал қисмига ўтилади. Ғорнинг туби анча кенг зал кўринишида бўлиб, унинг ости нам тупроқ аралаш майда тоғ тошларидан иборат. Ғорнинг ичи ёз ойларида анча паст ҳароратда 5-6 даражагача ўзгармасдан туради. Бу мавсум камида беш ойдан зиёд вақт давом этади. Қиш ойларида эса ғор ичида ҳаво ҳарорати кўтарилиб, 20 даража иссиқликкача етади.

Омонхоналикларнинг айтишича, уларнинг ота-боболари кўп асрлардан буён ёз ойларида иссиқда тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини асрашда шу ғордан фойдаланиб келишган. Шу боис бу ғор "Омонхона музлаткичи" деб ҳам аталган.

Бойсун тоғлари бағрида жойлашган Омонхона булоғи Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази мутахассислари томонидан ўрганилганда, сув таркибида кремний кислотаси, темир, алюминий ва бошқа кўплаб микроэлементлар мавжуд эканлиги аниқланди. Бундай таркибли сув инсон танасини, айниқса, жигар, ўт пуфаги йўлларини тўлиқ ювиш қувватига эга. Уни тана ички организмларини ювишда қўлланиладиган замонавий гемодез суюқлиги билан солиштирадиган бўлсак, фойдали ва зарарсизлиги билан Омонхона булоғи суви бир неча марта устун туради.

Ушбу манзил фақат суви билангина эмас, географик муҳити, манзараси, баҳаволиги билан ҳам инсон руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади.

**Исмоил БОТИРОВ,**
**Термиз археология музейи директори, тарих фанлари номзоди, доцент.**

САЛОМАТЛИК

## Қисқа муддатда аниқ ташхис

*Самарқанд шаҳридаги силга қарши курашиш диспансерига АҚШдан "Gene Xpert" ускунаси келтириб ўрнатилди.*

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур компьютерлаштирилган қурилма сил хасталигига аниқ ташхис қўйишда қўл келади. Яъни унинг ёрдамида бемордан олинган таҳлил асослари 2 соат ичида молекуляр биологик тест орқали ўрганилади.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Тиббий муассасанинг янги биноси

*Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Янгиер шаҳар субфилиалининг замонавий биноси фойдаланишга топширилди. Мазкур иншоотда 1 миллиард 893 миллион сўмлик қурилиш-ободонлаштириш ишлари бажарилди.*

Шунингдек, муассасанинг моддий-техник базаси ҳам бутунлай янгиланди. Натижада янги тиббий асбоб-ускуналар туфайли муолажа ва ташхис қўйишнинг замонавий усулларини қўллашга ўтилди. Жумладан, эндиликда бу ерда баъзи хасталикларни тиғсиз жарроҳлик амалиёти орқали даволаш имконияти пайдо бўлди.

— Энг сўнгги тиббий ускуналар билан жиҳозланган учта "Тез тиббий ёрдам" машинамиз бор, — дейди шифо маскани мудири Эркин Ҳакимов. — Бу 55 ўринли муассасамизда беморларга ўз вақтида шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишимизни таъминлайди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ИЗЛАНИШ

*Замон шиддат билан ривожланиб бораяпти. Айниқса, ахборот технологиялари соҳасида тараққиёт шу даражада илдамлаб кетдики, ҳар куни қандайдир бир янгилик ҳақида эшитамиз. Кўп ўтмай, ўша янгиликнинг имкониятларини амалда ўзимиз ҳам синаб кўрамиз. Шундай қилиб, илғор технологиялар турмуш тарзимизга тобора чуқурроқ сингиб бормоқда, узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилиб, вақтимиз тежалишига кўмаклашмоқда.*

# Илғор технологиялар ва интерфаол хизматлар

Айниқса, кундалик ҳаётимизга мобиль алоқа тизимининг кириб келиши одамлар ўртасидаги ўзаро мулоқот доирасини кенгайтириш баробарида, соҳада соғлом рақобат муҳитининг шаклланишига ҳам жуда катта туртки берди. Натижада хизмат кўрсатиш сифати муттасил яхшиланиб, имкониятлари кенгая бошлади.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" корхонаси жамоаси ҳам тизимни бугунги кун талабларига мослаштириш, модернизациялаш ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Мана шундай чора-тадбирлар самараси ўлароқ, айтиш жоизки, бир қанча лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга киришилган. Жумладан, айни пайтда филиал мутахассислари томонидан магистрал каналларнинг узатиш тезлигини қўшимча равишда яна 20 Гб/сонияга ошириш учун XDSL ва FTT тармоғини кенгайтириш ишлари олиб борилаяпти. Мазкур лойиҳа тўлиғича рўёбга чиққач, пойтахтимиздаги телефония, видеотелефония, интернет, IPTV ва VPN хизмати кўрсатиш сифати ошибгина қолмай, чорраҳаларда видеокузатув тизимининг жорий этилишига ҳам кенг қулайлик яратилади.

Бундан ташқари, ҳозир тизимда DVDM тармоғини қуриш бўйича IP йўналишлари ва ВОЛС ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун Dual Homing тизимини амалга ошириш ишлари кенг кўламда бошлаб юборилган. Бу эса, ўз навбатида, DVDM тармоғини 20 Гб/сония тезликда ишлайдиган тўрт каналли республика магистрали билан туташтириш имкониятини беради.

— Ушбу лойиҳани амалга оширишдан мақсад, абонентлар фойдаланадиган портлар сонини кўпайтиришдир, — дейди биз билан суҳбатда "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали директори Шомансур Абидходжаев. — Мана шундай тадбирлар туфайли тармоқда 2013 йилнинг август ҳолатига ADSL портлари сони 50724 тага етди. Шу билан бирга, оптик толали (FTTx) тармоқ қурилиши ҳам муваффақиятли давом эттирилмоқда. Хусусан, шу ой якунига қадар 1700 та уйда оптик коммутаторлар ўрнатиш ва портлар сонини 40800 тага етказиш кўзда тутилган.

Қайд этиш жоизки, мижозларга янада сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида 2011 йилда республикамизда "Ягона ойна" тизими бўйича "Uzonline" савдо белгиси остида "Ўзмобайл" мобиль алоқа хизматларини тақдим этадиган элликта хизмат кўрсатиш офиси очилган эди.

Шу йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, Тошкент шаҳрида ана шундай офислардан ўн бештаси ташкил этилди. 2013 йилнинг охиригача уларнинг сонини яна учтага кўпайтириш режалаштирилган. Жорий йил бошидан буён пойтахтимиздаги хизмат кўрсатиш офислари орқали CDMA-450 мобиль алоқа тармоғига 16800 нафар абонент уланди.

Таъкидлаш лозимки, 2012 йил 1 январда Тошкент шаҳрида интернет хизматларидан фойдаланувчилар сони 7131 абонентни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич бугунги кунда 42000 нафарга етди. Уларнинг 38081 нафари ADSL ва 4224 нафари FTTb абонентларидир.

Айни пайтда "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалида 89 та ЭАТС филиали кўрсатаётган хизматлардан фойдаланувчи абонентлар сонини янада ошириш мақсадида жорий йилда FTTb технологияси асосида Тошкент шаҳридаги 2944 та кўп қаватли уйга 720128 км. узунликдаги оптик толали алоқа кабеллари ётқизилиб, 1713 та уйда свич қурилмалари ўрнатилди. Умумий портлар сони эса 41112 тага етказилди.



Реклама ўрнида

Шу билан бирга, филиал мутахассислари томонидан 75552 рақамга эга бўлган 64 дона интеграциялашган модул(MSAN) фойдаланишга топширилди. Шу тариқа кенг полосали фойдаланиш хизматларини кўрсатадиган FTTx хизмати жорий этилди. Ушбу замонавий технологиялар пойтахтимизнинг телефон ўрнатиш учун энг кўп ариза келиб тушган ҳудудларида тақдим этилди. Бу, ўз навбатида, эски мис кабелларни оптик толали алоқа линияси билан алмаштиришга ёрдам берди.

Келгусида бошқа ҳудудларга ҳам жами 22 та MSAN ўрнатиш режалаштирилган. Бу, шубҳасиз, алоқа сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, 90 километрлик мис кабелни оптик толали кабелларга алмаштириш имкониятини яратади.

Ўрни келганда яна бир нарсани айтиш зарурки, "ТШТТ" жамоаси мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан жорий йилнинг 1 августидан бошлаб, "Ўзбектелеком" АК томонидан юридик ва жисмоний шахсларга шаҳар телефон алоқасини бепул ўрнатиш, FTTx технологияси бўйича бепул уланиш, xDSL технологияси асосида уланиш учун ADSL модемлари қийматини бўлиб-бўлиб тўлаш ва ҳар бир янги мижоз учун 2200 Мб совға тариқасида тақдим этиш акциясини жорий этди. Бу ҳам, албатта, мижозлар сонининг янада ошишига, хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятининг юксалишига хизмат қилади.

**Усмон УСМОНОВ тайёрлади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 79 193 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.05 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5